

**БУХОРО ХОНЛИГИ ТАРИХИНИ ЁРИТИШДА СОВЕТ
МАФКУРАСИНИНГ ТАЪСИРИ**

<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-3-7>

**Масалиева Олтиной Масалиевна,
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети**

АННОТАЦИЯ

Мақолада 1500 йилдан то 1601 йилгача шайбонийлар, 1601 йилдан то 1756 йилгача жонийлар (аштархонийлар), 1756 йилдан то 1920 йилгача амирлик номи билан мангитлар сулоласи вакиллари бошқарган Бухоро хонлиги (амирлиги) тарихини ёритишда совет мафкурасининг таъсири таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Бухоро хонлиги, подшо Россияси, октябрь инқилоби, марксча-ленинча тарих фани, мафкура, кўлёзма.

**ВЛИЯНИЕ СОВЕТСКАЯ ИДЕОЛОГИЯ В ОСВЕЩЕНИИ ИСТОРИИ
БУХАРСКОГО ХАНСТВА**

**Масалиева Олтиной Масалиевна,
доцент, кандидат исторический наук
Узбекский государственный университет мировых языков**

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется влияние советской идеологии на освещение истории Бухарского ханства (эмирата), которые управляли с 1500 по 1601 г. Шайбаниды, с 1601 по 1756 г. (аштарханиды), с 1756 по 1920 г. представителю мангитской династии.

Ключевые слова: Бухарское ханство, царская Россия, Октябрьская революция, марксистско-ленинская история, идеология, рукопись.

**THE INFLUENCE OF THE SOVIET IDEOLOGY IN COVERING THE
HISTORY OF THE BUKHARAN KHANATE**

**MasalievaOltinoyMasalievna
Associate Professor, PhD,
Uzbek State University of World Languages**

ANNOTATION

The article analyzes the influence of the Soviet ideology in covering the history of the Bukharan khanate (emirate), it is known that Bukhara was called since 1533 (according to some sources in 1557) as Bukhara khanate. It was ruled by Shaybanids from 1533 to 1601, Jhanids (Ashtarkhanids) from 1601 to 1756 and manghits with the name

of emirate from 1756 to 1920.

Key words: Bukhara khanate, Russian Empire, October Revolution, Marxist-Leninist history, ideology, manuscript.

1860 йилларда Россия подшоси томонидан Бухоро амирлиги қўлга киритилгач, 1868 ва 1873 йилларда тузилган сулҳ шартномаларига мувофиқ Бухоро амирлиги Россия қарамлигига айланди, амалда номигагина мавжуд бўлди. 1917 йил Россияда феврал ва Октябр инқилоблари натижасида ҳокимият ўзгариб, подшо тузуми ўрнига совет тузуми ўрнатилди. Москва ва Тошкентнинг большевиклар раҳбарияти 1918-1919 йиллар мобайнида ҳарбий ва дипломатик йўл билан амирликда Совет ҳокимиятини жорий этишга бир неча бор уриниб кўрди... “Қуролли қўзғолон”га тайёргарлик кўришга бевосита раҳбарлик қилиш учун ҳарбий-инқилобий бюро ташкил этилди, унга РКП(б) МҚ Турккомиссияси ва Туркбюроси вакиллари, яъни М.В.Фрунзе, В.В.Куйбишев, Н.Хусайнов, Ф.Хўжаев ва бошқалар кирди. 10 августда Турккомиссия, БКП ва “ёш бухоролик инқилобчилар” МБнинг уюшма мажлисида олдиндан муваққат “инқилобий-демократик” ҳукумат ташкил этилди. “Инқилоб” 1920 йил 28 августда бошланди. Ташкил этилган шаҳар инқилобий қўмитасининг бошлиғи коммунист Б.Сардоров “қўзғолон кўтарган халқ” номидан Россия қизил армиясига ёрдам сўраб мурожаат қилди[1]. 1920 йил 2 сентябрда Туркистон fronti қўмондони М.В.Фрунзе бошчилигидаги Қизил аскарларга Бухорони босиб олишга буйруқ берди. Кескин жанглардан сўнг Бухоро шаҳри босиб олиниб Сайид Олимхон ҳокимиятдан ағдариб ташланди, шу йил 6-8 октябрда Бухоро Халқ Совет Республикаси (1920-1924йй) тузилди.

Совет даври тарихшунослигига давр руҳи, мафкураси ўз таъсирини кўрсатди. Бухоро хонлиги (амирлиги) тарихшунослиги ҳам бундан мустасно эмас.

Шу ўринда Е.Э.Бертельснинг “Тожиқ адабиёти тарихини ўрганиш бўйича ишларнинг ҳолати”[2] мақоласига эътибор қаратиш лозим. Муаллиф шарқ адабиётларидан, шунингдек тожиқ адабиётидан Ўрта Осиёда синфий курашнинг турли босқичларини ифодаловчи синфий адабиёт сифатида ўрганиш шarti билан фойдаланиш лозимлигини, шунингдек, Ўрта Осиёнинг марксча тарихи йўқлиги..., феодал даврнинг иқтисоди, савдо капиталининг роли, кўчманчи қабилаларнинг роли етарлича ёритилмаганлигини ёзган.

Е.Э. Бертельс мақоласида А.А.Семенов, С.Айний, А.Фитрат, Х.Бехбудий асар ва мақолалари[3], “Раҳбари Дониш” адабий журнаliga қисқача тўхталади. Муаллиф “Фитрат ишларида амирга тегмайди, у яхши одам, ҳамма кулфат қувилиши лозим бўлган ёмон маслаҳатчилар уни ўраб олганлигида. Бундай тўмтоқлик бошқа бир муаллифнинг “Тухфаи аҳли Бухоро” (Бухоро аҳлига совға. “Доктор Собир” тахаллуси билан машҳур Сирожуддин Бухорий)да ҳам кузатилади, дейди. Шунингдек, Фитратнинг “Мунозара” асари подшо цензураси даврида хавfli китоб деб тан олинганлиги, унинг таржимаси фақат ҳукмрон доиралар учун “яширин” нашр этилганлигини таъкидлайди[2].

Ислom дини Туркистон ўлкаси ва айниқса хонликларда 1917 йилдаги Октябр тўнтаришига қадар жамият ҳаётини қамраб олган мафкура вазифасини бажариб



келди.

Шўролар ҳокимияти даврида динга қарши кенг миқёсда ташвиқот –тарғибот ишлари олиб борилиб, дин-халқ учун афюндир шиорида кўп асрлик маънавий кадриятлардан воз кечиш йўлидан борилди. Бухоро хонлиги тарихи ҳам феодализм давлат тарихи сифатида ўрганилди.

Феодализм ишлаб чиқаришнинг усулининг негизини ўша даврдаги ишлаб чиқаришнинг асосий воситаси бўлган ерга феодализмнинг эгаллик қилиши ташкил этади[4].

1924 йилда Туркистон большевикларнинг социал-шовинистик сиёсатига мослаб қайта парчаланиб советлаштирилгач, “янги жамият” учун кураш бошланди. Жаҳидчилик таъқиб остига олинди.

С.Назаров ёзадики, 1926 йил 27-30 апрелда ВКП(б) МК чақириғи билан атеистик пропаганда олиб борилди. ВКП (б) МК антидиний тарғиботни маҳаллий миллат коммунистлари орасида катта эҳтиёткорлик билан айниқса миллий фаол кучлар билан маданий-тарбиявий, сиёсий - оқартув тадбирларини ўтказишда тавсия этди. Уларда, масалан, шундай талаблар ўз болаларини диний мактабларга эмас, совет мактабларига жўнатишни, шариат судлари – хизматларидан эмас, балки халқ судларидан фойдаланиш ва шу каби талаблар бор эди. Кенг атеистик тарғиботни газета “Ҳақиқат”(Правда), “Худосизлар” ва бошқа рус, ўзбек ва бошқа тилларда чоп этиладиган олиб борди[5], деб ёзади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, марказ кўрсатмаси билан Ўзбекистон ССР Шўролар Марказий Ижроия Қўмитаси 1928 йил августида “янги ўзбек ёзувига ўтиш тўғрисида” қарор қабул қилди, янги алифбога 1930 йилнинг охиригача ўтилади деб белгиланди. Шундай қилиб халқнинг асрлар давомидаги тарихи, ёзуви ва маданияти “эскилик сарқити” деб эълон қилиниб, янги ва эски маданият ўртасида сунъий равишда бамисоли буюк Хитой девори майдонга келтирилди[6]. Мазкур фикрлар кейинги давр адабиётларида ўз аксини топди.

Б.В.Луниининг ёзишича, марксчи тарихчиларнинг 1928 йил декабрь ойида бўлиб ўтган I Умумиттифок конференциясида “Шарқ мамлакатлари тарихига буржуа фанининг таъсири тугатилмаган”[7] лиги ҳақида фикрлар билдирилган.

XX аср 30 йилларидан бошлаб форс, араб, турк тиллари ва ёзувларини мукаммал биладиган миллий зиёлилар шафқатсиз таъқиб қилина бошлади. Араб алифбосида ёзилган қўлёзма, тошбосма китоблар йўқ қилинди. Аммо шундай таъқибларга қарамай, илмий мероснинг яширинча сақланиб қолганлиги аён бўлмоқда.

Ҳақиқатдан, араб, форс, маҳаллий тилларни мукаммал биладиган миллий кадрлар таъқиб этилиб, қатағон қилинди. Уларга ўтмишни улуғлаган, миллатчилар деган тамға босишди.

Б.В.Луниининг ёзишича, қувғин ва қатағонларнинг дастлабки тўлқини 30 йиллар бошидаёқ бошланиб, (ўттиз еттинчи йиллардан бир оз фарқли равишда) узоқ ерларга шартли равишда чиқариб юборилган [8]. Дастлабки тўлқинга И.И.Умняков, М.С.Андреев, А.А.Семеновлар дуч келишди.

1931 йилда Тошкентда нашр этилган “Ўзбекистон КП (б)ни келгусида



мустаҳкамлаш учун” номли китобида қуйидаги сатрларни ўқиш мумкин: “ ленинча миллий сиёсатни амалга оширишда хавф туғдирадиган улуғ давлатчилик шовинизми билан курашни кучайтириш лозим[9].

20- йилларда ва айниқса, 30-йилларга келиб авж олган мафкуравий тазйик, ғоявий тўсиқ ва цензура кучли бўлганлигини Ф.Хўжаевнинг китобидан ҳам хулоса қилиш мумкин. У ёзадики “... ВКП (б) Марказий Комитетининг Ўрта Осиё Бюроси ва ЎзК (б)П Марказий Комитети ўз вақтида чиқарган қарорларида ҳам брошюранинг ... бўлимларидаги таърифларнинг хатолигини кўрсатиб ўтдилар ва шу кўрсатмаларга асосланиб ўша вақтдаёқ мен, биринчидан, Ўзбекистон Коммунистик партиясининг 3-курултойида сўзлаган нутқимда бу қоидалар хато эканлигини эътироф этибгина қолмасдан, шу билан бирга, партиянинг ёрдами билан бу хатоларни очиб ташлаганлигим... билан ўзим йўл қўйган хатоларни тузатдим”. Шунингдек, “...жадидларни бирмунча идеаллаштиришдан иборат бўлган хатоларимни кўрсатиб берди”, деб ёзади[10].

Профессор Фитрат ёзадики, маълумки, у ёки бу жамиятнинг сиёсий шаклини унинг иқтисодий ва ижтимоий-синфий тузилиши белгилайди. Марксча-ленинча тарих фани у ёки бу давлатларнинг ва халқларнинг иқтисодий ва ижтимоий-синфий тузилишини ёритадиган ҳужжатларга катта аҳамият беради[11].

Б.Солиев “Кенг омманинг эзувчи кучга қарши кураши, халқнинг ўзаро муносабатлари тўғрисида бир нарса ҳам айтилмаган. Шу камчиликлардан бир нарса сиқиб чиқариш, замоннинг тилагига жавоб берарлик бир нарса майдонга қўйиш зўр мушкулликлар туғдиради[12], деб ёзади.

“Ўзбекистон тарихи” (XVI-XIX асрнинг биринчи ярми) нинг учинчи жилдида “37 йиллардаги”(умумий маънода) репрессиядан кўрқиб, тинтув вақтида шарқ қўлёмалари топилса эски қарашлар тарафдори, “бегона, халқ душмани” асарини сақлаганликда айбланиб, қамоққа олинишга асос бўларди. Шунинг учун кўп шарқ қўлёмалари йўқ қилинди[13], деб маълумот берилган.

Тарихчи олима Д.А.Алимованинг таъкидлашича, “Фақат 1937-1939 йилларнинг ёзида Ўзбекистонда 41 мингдан зиёд киши қамоққа олинди, улардан 37 мингдан ортиғи устидан ҳукм чиқарилди, 6 минг 920 киши отиб ўлдирилди. Улар сафида Файзулла Хўжаев ҳам бор эди[14].

А.Фитрат, Б.Солиев, М. Саиджонов каби ўнлаб ёрқин истеъдодлар “халқ душмани” сифатида йўқ қилинди.

“Ленин ва Коммунистик партияни улуғлаш, ўлкани советлаштириш тарихи, ўтмишни буткул қоралаш,- совет турмуш тарзини идеаллаштириш бу давр адабиётининг асосий мазмунини ташкил қилди”[15].

1940 йил 1 июлда яна ВКП (б) Марказий Қўмитаси ва СССР Халқ Комиссарлари Совети Ўзбекистон ҳукумати “талаби” билан “янги ўзбек алифбоси” га, бу гал рус ёзувидаги алифбога ўтишга кўрсатма берди.

Ҳуқуқшунос олим З.Муқимов ўз тадқиқотида қуйидагича ёзади: “Яқинда матбуот саҳифаларида нашр этилган советлар махфий хизматининг Польшадаги ходимиغا 1947 йилда йўллаган 13-сон йўриқномаси совет давлатининг ўзга халқларни итоатда тутиб туриш учун барча соҳаларда олиб борган амалдаги



сиёсатининг мазмунини очиб беришга хизмат қилади.

“Тарих дарсларида ўтган сиёсатдонлардан кимлар Ватан равнақи учун хизмат қилганлиги ёки хизмат қилишга уринганлиги ҳақида гапириш эмас, – дейилади ана шу ҳужжатнинг 35-моддасида, – эътиборни фақат подшолар зулми ва уларга қарши қаратилган халқ курашига бурмоқ лозим бўлади”[16].

Ўрта Осиё республикалари тарихи, жумладан Бухоро хонлиги тарихининг муҳим масалалари тарихшунослигини ўрганишда СССР ФА ва Ўрта Осиё республикалари Фанлар академияларининг Тошкентда (1954, 1959), Алма-Атада (1957) ва Душанбеда (1962) бўлиб ўтган бирлашган илмий сессиялари, ЎзССР ФА кенгайтирилган мажлислари[17] ва шунингдек шарқшуносларнинг Бутуниттифоқ конференцияси (Тошкент, 1957) [18] муҳим роль ўйнади.

1954 йилда СССР Фанлар академияси ташаббуси билан Ўрта Осиё иттифоқдош республикалари академиялари билан биргаликда Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон халқларининг октябргача даври тарихи бўйича Бирлашган илмий сессияси чақирилди. Сессия кун тартибига қуйидаги бешта масала киритилди:

1. Ўрта Осиё ва Қозоғистон кўчманчи халқларида патриархал-феодал муносабатларнинг моҳияти.

2. Панисломизм ва пантуркизмнинг реакцион моҳияти ва хоинона роли.

3. Ўзбекистон ва Қозоғистонда буржуа миллатининг шаклланиши.

4. Ўрта Осиё ва Қозоғистонда 1916 йилдаги қўзғолоннинг характери.

5. Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари тарихини совет давригача даврлаштириш.

Сессияда миллий республикалар тарихчилари ва иқтисодчиларининг тадқиқот ишларида “капиталистик Россия таъсирида мамлакатнинг капиталистик ва товар-пул муносабатлари ривожланиши ва ўзгаришини аниқлаш” етишмаётганлиги кўрсатиб ўтилди.

1956 йилда КПССнинг XX съездида Сталиннинг қатағон режими танқид қилинди ва жамият бағрига бир оз илиқлик югурди. Дастлабки ишлардан бири 30 йилларда ноҳақ қатл этилган фан, маданият, сиёсат арбобларининг номларини оқланиши, урушдан сўнг сиёсий айб билан қамоққа олинган ижодкорларнинг озод қилиниши, ўтмиш маданий меросга кенгроқ қарашнинг бошланиши бўлди.

Манбашунос олим Ш.Воҳидовнинг ёзишича, совет тузуми шароитида тарихий ва адабий қўлёзмалардан асосан расмий ғояларни тасдиқ этиш учун фойдаланардилар. Доимий, систематик равишда уларни ўрганиш, нашр қилиш ишлари ҳам анча орқада қолди, нашр ишлари эса фигураларни танлаш йўли билан амалга оширилди[19]. Мазкур фикрлар Бухоро манбашунослигига ҳам тааллуқли бўлиб қуйидаги фикрлар уни тасдиқлайди.

1957 йилда А.А.Семенов “Убайдуллонома” асари таржимасининг муқаддима қисмида қуйидагича ёзади: “Мир Муҳаммад Амин-и Бухорийнинг ишида тушкунликнинг ёрқин манзараси, умумий тартибсизлик, феодалларнинг итоатсизлиги, маҳаллий ҳокимият ва нотинч “ўнг ва чап томон” ўзбек уруғлари берилган. Сарой шодиёналари ва хоннинг суюклиларининг давлат ишларига ҳалокатли таъсири ва фитналар жонли тасвирланган, сабаб ва оқибатлари кўрсатилган тур-

ли бефойда юришлар, умумий халқ кўзғолонлари ва ҳ.к. акс этган[20].

1959 йилда Тошкентда Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг Россияга қўшилишининг прогрессив аҳамиятига бағишлаб ўтказилган бирлашган илмий сессияда мазкур тарихий феномен ички ва ташқи факторлар, шунингдек ушбу ҳудуд халқлари Россия фуқаролигига қабул қилиниши натижасида умумроссия инқилобий ҳаракатда иштирок этганлигини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқиш зарурлиги таъкидланди. XX аср 50-70 йилларида кўпчилик тарихчилар Ўрта Осиё Қозоғистоннинг қўшиб олиниши масаласига урғу беришиб кўриб чиқишди.

1960 йил май ойида СССР ФА институти илмий советида “Улуғ Октябрь социалистик революциясининг тарихий оқибатлари” муаммоси бўйича ўтказилган сессия Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларида аграр тузум тадқиқотларини фаоллаштиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Ўрта Осиё ва Қозоғистонда Улуғ Октябрь Социалистик революциясига тайёргарлик ва ғалаба қозонишига бағишланган тадқиқотларда аграр масалага катта эътибор берилди[21].

1962 йилда Л.М.Епифанова куйидагича ёзади: “Тарих-и салотин-и мангитийа”нинг асосий аҳамияти шундаки, унда подшо Россияси Ўрта Осиёни забт этган ва Бухоро Россия давлатига вассал-қарамга айлантирилгандан кейин хонликда ички сиёсий ва иқтисодий аҳвол акс этган. Муаллиф мамлакатда халқ оммасининг аҳволини ёритишни мақсад қилмаган бўлсада, асарида феодал ҳукмдорларнинг чекланмаган зулми ва ўз зулмкорлари зулмига қарши қонунни ҳеч қаердан топа олмаган меҳнаткаш халқнинг оғир аҳволи акс этган[22].

1962 йилда нашр этилган Б.Искандаровнинг “XIX асрнинг иккинчи ярмида Шарқий Бухоро ва Помир” китобининг сўзбошисида куйидагиларни ўқиш мумкин: “XIX аср охири XX аср бошларида Бухоро амирлигида феодал турғунликнинг ташқи кўриниши асосида мамлакатнинг ичида феодал тушқунлик содир бўлиб капиталистик элементларнинг пайдо бўлганлигини эслатиш ўринли... Иқтисодий жиҳатга асосий этиборни қаратиб, муаллиф ҳукмрон синфга қарши меҳнаткашларнинг синфий кураши тўғрисидаги масалани назардан қочириши мумкин эмас. Восе бошчилигидаги Шарқий Бухородаги мазлум омманинг собиқ Балжуон беклигидаги амир амалдорларига қарши кўтарилган кўзғолонга алоҳида ўрин ажратилган... Бу даврда пантюркистлар ва панисломистлар... фаолияти анча кучайган, жумладан, мавжуд тузумни ағдариш учун мазлум оммани ҳақиқий инқилобий курашдан ажратишга ҳаракат қилишди”[23].

Д.А.Араповнинг куйидаги сатрлари совет давридаги адабиётларнинг деярли барчасига тааллуқли: “Бухоронинг Россияга боғлиқлигининг ўрнатилиши умуман тарихий аҳамиятга эга. Хонликда феодал ўзаро урушлар тўхтатилди, номигагина бўлса ҳам қул савдоси таъқиқланди. Закаспий темир йўлининг қурилиши амирликнинг турли районлари ўртасида хабар алмашишни йўлга қўйди... Улуғ Октябрь Социалистик инқилоби Ўрта Осиё халқларини сиёсий ва ижтимоий озодлигига олиб келди. Улуғ Октябрь ғалабасидан уч йилдан кейин 1920 йил сентябрда Бухоро меҳнаткашлари, Совет Туркистони ва М.В.Фрунзе бошчилигида Қизил Армия қисмларининг қардошларча ёрдамида амирлик тузумини ағдариб ташладилар ва БХСР (1920-1924 йй) ни туздилар”[24].

Д.А.Араповнинг китобида Н.А.Халфин Бухоро хонлигининг инқилобгача тадқиқотчиларининг ишида тадқиқотга идеалистик ёндашилганлиги, бу нотўғри методология бўлиб, таҳлил етишмаслигини, Т.Тўхтаметов эса уларнинг ишларида амирлик ҳаётида синфий кураш ва синфлар роли ҳақида ҳеч нарса дейилмаганлиги, илғор инқилобий Россиянинг Бухоро меҳнаткашлари оmmasига таъсири инкор этилганлиги, подшо Россиясининг Бухородаги сиёсатининг ҳақиқий моҳияти хаспўшланганлиги учун танқид қилганлигини[25] ёзади.

Г.А.Ҳидоятлов ёзадики, совет даврида миллий тарихчилардан асосан инқилоб ва Совет ҳокимияти ғалабаси мавзуси, миллий республикаларда ленинча миллий сиёсат ва коммунистик ғояларнинг зафарли юришлари билан шуғулланишлари талаб этилган. А.Семенов ва А.Якубовский даражасида ёзган мутахассислар йўқ эди. Тарихчиларнинг ўзлари миллатчиликда, феодал ўтмишни идеаллаштиришда ва пантуркизмда айбланмаслик учун ўрта асрлари мавзусидан тийилишган[26].

1990 йилда “Народы Азии и Африки” журналида “Қатағон қилинган шарқшунослар” рукни остида “20-50 йилларда қатағон қилинган шарқшунослар” сарлавҳасида асосан Ленинград ва Москва шарқшунослари рўйхати берилган. Рўйхатда Е.Э.Бертельс, М.С.Андреев, Ю.Э.Брегель, А.А.Семенов, А.Е.Снесаров, И.И.Умняков, А.Фитрат, А.В.Шмидтлар ҳам бор.


Муаллифларнинг ёзишича, октябрдан кейинги даврда ноқонуний қатағон қилиш натижасида ватан фани олган сабоқ жуда катта. Унинг миқёси фақат ҳозирги кунга келиб аста – секин ошкор қилинди, англанди, таҳлил қилинди... Рўйхат тўлиқ эмас ва шарқшунослар ҳақидаги кўпгина зарур биографик маълумотлар етишмайди... Нашр этилаётган рўйхат дастлабки қидирув характерида... Қатағонга учраган деганда биз озодликдан маҳрум этиш, ҳибсга олиш, қамок, сургун қилинганни назарда тутмоқдамиз. Қатағонликнинг қонунга зид бошқа турлари (цензура чекловлари, ишдан ҳайдаш, матбуотда обрўсини тўкиш, мусодара қилиш, кўчириб юбориш, сайлов ҳуқуқидан ва савдо карталаридан маҳрум этиш, мукофот ва илмий даражадан маҳрум этиш, чет элга доимий яшашга ёки илмий экспедицияга боришни таъқиқлаш, чет эллик ҳамкасблар билан мулоқотни таъқиқлаш ва ҳ.к)[27].

Хулоса сифатида айтиш жоизки, Бухоро хонлиги тарихини ёритишда совет мафкурасининг таъсири ўша давр адабиётларида яққол ифодаланган.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Алимова Д.А., Голованов А.А. Ўзбекистон мустабид совет тузуми даврида: сиёсий ва мафкуравий тазйиқ оқибатлари.(1917-1990 йиллар).–Тошкент: Ўзбекистон. 2000.–Б.31-33.
2. Бертельс Е.Э. Состояние работ по изучению истории таджикской литературы. // Записки Института востоковедения АН СССР. Кн.2. 1933. С.89-102.
3. Semenov A.A.Kurzer Abriss der nenereu mittel asiatisch-persischen (tadschikischen) Literatur (1500-1900). Litteraeorientales, Heft 46.Lpz., 1931Ayni S.Namunaji adabij jotitocik.–М.,1926 ва ҳ.к.

4. Батафсил қаранг: Проф. В.Ф Семенов. Ўрта асрлар тарихи. Педагогика институтлари учун дарслик. – Т.: Ўқитувчи. 1973. – Б.4-5.
5. Из истории руководства ЦК ВКП(б) атеистической работой среднеазиатских парторганизаций.// Общественные науки в Узбекистане.-Т., 1972. №10. – Б.39-41.
6. Раҳмонов Т. “Маданий инқилоб”: Бухорои шарифга юриш // Фан ва турмуш. –Т., 1993 № 3. –Б. 22-25.
7. Лунин Б.В. 20-30 йилларда шарқшуносликка доир тадқиқотларнинг ҳолати ва ривожланиши // XX аср дастлабки ўттиз йиллигида Ўзбекистонда тарих фани (тарихшунослик очерклари). II қисм. –Т., 1994.–Б.303.
8. Лунин Б.В. 20-30 йилларда шарқшуносликка... – Б.304.
9. За дальнейшее укрепление КП (б) Узбекистана. (Речи т.т.Лева и Фролова на III пленуме ЦК КП (б) Уз (5-19/Х-31г.) –Ташкент: УзГИЗ. 1931.– С.9.
10. Хўжаев Ф. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар. Самарқанд-Тошкент: Ўзбекистон, 1926. –Б.193. (араб графикасида).
11. Проф .Фитрат. Три документа по аграрному вопросу в Средней Азии (1.Вакуфная запись Шейбани хана. 2.Дарственные записи Эмир Хайдара на имя Сайид Ахмад Ходжеи.Письма эмира Насруллы к Хакиму Кушбеги) // Записки Института востоковедения АН СССР. Кн.2. 1933. сс.69-70.
12. Soliev P. Ozbekiston tarixi. So'zboshi.
13. История Узбекистана. XVI-первая половина XIX .–Т.,1993.–С.17.
14. Алимова Д.А. Файзулла Хўжаев ва жадиличлик // Файзулла Хўжаев ҳаёти ва фаолияти ҳақида янги мулоҳазалар.Бухоро инқилобининг тарихига материаллар. –Т.:Фан. 1997. –Б.34.
15. Қосимов Б. Ўзбек Совет энциклопедияси. –Б.528.
16. Муқимов З. Ўзбекистонда ҳуқуқнинг асосий тарихий манбалари (VIII-XIX асрлар): Юридик фан. док. ... дис.– Самарқанд, 1997.–Б.4; Фулом Мирзо. Мутлақо махфий.– Муносабат. – 1990.– 30 ноябрь.
17. О марксистско-ленинском освещении истории и истории культуры народов Узбекистана: стенографический отчет расширенного заседания отделения гуманитарных наук АН УзССР 21-27 апреля 1949г. –Т.: Изд-во АН УзССР, 1951.– С.216.
18. Ланда Л.М. Некоторые вопросы историографической работы в Узбекистане // Общественные науки в Узбекистане. – Т., 1964.№11.–С.32.
19. Воҳидов Ш.Х. XIX-XX аср бошларида Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши: Тарих фан. док. ... дисс. –Тошкент,1998. – Б.7.
20. Амин-и Бухари, Мир Мухаммад. Убайдулла-наме. Пер с тадж, предисл., прим. И указ. А.А.Семенова. –Ташкент: Изд-во Акад. наук УзССР, 1957.– С.3.
21. Фомченко А.П. Русские поселение в Бухарском эмирате. –Тошкент: Государственное изд-во УзССР, 1958.– С.10.
22. Мирза Абдалазим Сами. Тарих-и салатин-и мангитийа (История мангытских государей). Издание текста, предисловие, перевод и примечания Л.М.Епифановой.– М.,1962.–С.28.



23. Искандаров Б. Восточная Бухара и Памир во второй половине XIX в. – Душанбе, 1962. – С.3-4.

24. Арапов Д. Бухарское ханство в русской востоковедческой историографии. – М., 1981. – С.9.

25. Арапов Д. Бухарское ханство... – С.10.

26. Хидояттов Г.А. Шейбаниды. Узбеки. Узбекистан. – Т., 2012. – С.3.

27. Васильков Я.В., Гришина А.М., Перчиева Ф.Ф. Востоковеды, подвергшиеся репрессиям в 20-50-е годы. // Народы Азии и Африки. – М., 1990. – С. 113-125.